



AGGRAVATING AND MITIGATING FACTORS IN SENTENCING CASE APPLICATION PROBLEMS

Baxrinov Bekzod Fozilovich

Student of the High School of Judges of the Republic of Uzbekistan

Kaxarov Oybek Naqshband o'g'li

Judge of Sirgali district court on criminal cases.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11101445>

ARTICLE INFO

Received: 23th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Online: 30th April 2024

KEYWORDS

Norms, sentencing, judicial practice, sanction, criminal law, general part, special part, unification, illegal and illegal, international norms and standards, legal consciousness and culture.

ABSTRACT

The article talks about the peculiarities of taking into account mitigating and aggravating circumstances by the courts, the problems in the practice of sentencing by the courts, and suggestions for improving the legislation in this regard.

ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ВА ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ

Бахринов Бекзод Фозилович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий мактаби тингловчиси

Кахаров Ойбек Нақшбанд ўғли

Жиноят ишлар бўйича Сирғали туман судининг судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11101445>

ARTICLE INFO

Received: 23th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Online: 30th April 2024

KEYWORDS

Меъёрлар, жазо тайинлаш, суд амалиёти, санкция, жиноят қонунчилиги, умумий қисм, махсус қисм, унификация, ғайрихуқуқий ва ҳуқуққа хилоф, халқаро меъёр ва стандартлар, ҳуқуқий онг ва маданият.

ABSTRACT

Мақолада судлар томонидан жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олишни ўзига хос хусусиятлари, судлар томонидан жазо тайинлаш амалиётидаги муаммолар ҳамда бу борада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳақида сўз юритилган.

Жазо тайинлаш жараёнида жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи тизимида



муҳим ўрин тутати. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган меъёрлар, амалда адолатли ва инсонпарвар жазо тайинлашни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бироқ, амалиётда бу меъёрларнинг қўлланилиши бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Бу муаммолар асосан, жазо тайинлашда қонунчиликнинг ноаниқлиги, суд амалиётининг бир-биридан фарқ қилиши, шунингдек, жиноят-процессуал ҳужжатларни талқин қилишдаги қийинчиликлар билан боғлиқ.

Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар тушунчаси муайян жиноятлар учун белгиланган санкциялар доирасида жазонинг миқдори ва турини танлашга ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Амалдаги Жиноят кодексида енгиллаштирувчи ҳолатларнинг маълум бир турлари келтириб ўтилганлиги ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг аниқ рўйхати келтирилганлиги қонун ҳужжатларининг хусусиятини ташкил қилиб беради.

Енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар санкция доирасида жазони тайинлаш жараёнига ўзининг таъсирини кўрсатади. Суд жиноят таркибига киритилган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни жазо қўллаш давомида эътиборга олмайди. Негаки, қонун қўлловчи орган жазони тайинлаш вақтида ушбу ҳолатни бир марта эътиборга олиб бўлган бўлади.

Олимлар енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг қўлланилиши ва аҳамияти тўғрисида бир умумий фикрга келишмаган. Давлат мажбурлови меъёрини танлаш енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан аниқ ҳар бир ҳолат бўйича ишнинг барча материаллари асосида белгиланади.

Жазо тайинлаш жараёнида енгиллаштирувчи ҳолатларни эътибор марказига олиниши жиноят қонунчилигида назарда тутилиб ўтилган инсонпарварлик принципи қоидаларига мутлақо тўғри келади. Суд айбдор шахсга жазо тайинлаётган пайтда бундай шахслар ҳаётда қандай шахс бўлсалар шундайлигича қабул қилиш билан биргаликда, унинг моддий аҳволини, оилавий шароитини, кам таъминланганлигини, қандай турдаги фаолият тури билан шуғулланишини, маълумотининг даражасини, даромад манбаи қаердан келиб чиқишини ва миқдорини ҳам алоҳида диққат марказига олиш даркор.

Енгиллаштирувчи ҳолатларни қўллаш жараёни бўйича қатор олимлар ўзларининг фикр мулоҳазаларини бериб ўтганлар. Бунга мисол сифатида олим Э.Норбўтаевнинг қарашлари аҳамиятга лойиқ. Унинг қарашларида қуйидагича назария ётади. Унинг фикрларига кўра, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги деганда жазони олдида тенглиги тушунилади. Қонун олдидаги тенглик деганда эса жиноят учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини тушуниш керак.

Айрим олимларнинг фикрига кўра эса енгиллаштирувчи ҳолатлар жавобгарликка ва тайинладиган жазога таъсир қилиши билан бирга жиноят қонунининг инсонпарварлик принципини ҳам ўзида мужассамлаштириши кераклиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар санаб ўтилган ва уларнинг барчаси учун мос бўлган белгилар қуйидагилардан иборатдир:



1. ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган ҳолатлар ЖК махсус қисми моддаларининг жиноят таркиби доирасидан ташқарида ва ушбу ҳолатлар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

2. ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилиб ўтилган ҳолатлар жиноят қонунчилигининг энг муҳим бўғинларидан иборат бўлиб, судлар ушбу ҳолатлардан бошқаларини ҳам енгиллаштирувчи ҳолат сифатида топиши ҳам мумкин бўлади.

3. ЖКнинг 55-моддасидаги енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖК махсус қисмининг квалификация қилиш учун зарурий белгиси сифатида келтирилган бўлса, жазо тайинлаш жараёнида муайян модданинг санкцияси доирасида жазо тайинланиши мумкин бўлади.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси биринчи навбатда жиноятнинг таркибий қисмини ифодлаш билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, жиноятларни биз ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қуйидаги 4 та асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин бўлади:

1. Оддий таркибли жиноятлар;
2. Енгиллаштирувчи таркибга эга бўлган жиноятлар;
3. Оғирлаштирувчи таркибга эга бўлган жиноятлар;
4. Алоҳида ҳисобланган оғирлаштирувчи таркибга эга бўлган жиноятлар.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, таркибларнинг иккинчиси енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ЖКнинг 55-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилган ҳолатлар қилмишни квалификация қилишнинг асосий ва зарурий белгиси сифатида жиноятнинг таркибий қисмига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва уларнинг турлари назарда тутилиб ўтилган. Қуйида уларнинг турлари билан танишиб чиқамиз. Жумладан:

- а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очилишига фаол ёрдам бериш;
- б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш;
- в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир қилиш;
- г) мажбурлаш ёк моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;
- д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;
- е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир қилиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжалик ҳолати билан боғлиқ асосли таваккалчиликда зарар етказиш;
- ё) вояга етмаган шахснинг жиноят содир этиши;
- ж) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;
- з) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.



Жиноят кодекси 56-моддаси 1-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар содир қилинган қилмишнинг ва жиноятни содир этган шахснинг қанчалик ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Агарда оғирлаштирувчи ҳолатлар бор бўлса, суд бу вазиятлар бўлмаганлигига нисбатан оғирроқ жазони бериши керак. Агарда жиноятда икки ёки ундан ортиқ бўлган оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлса, суд бу ҳолатга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган оғирроқ бўлган жазони ва қўшимча жазони тайинлаши керак.

Шунингдек, бу вазиятларнинг хусусиятига ва бу ҳолатларнинг бир нечтаси борлигига қарамасдан суд Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатиб ўтилган санкция доирасидан четга чиқмаслиги лозим. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ЖК 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатлардан андоза олган ҳолда ишни кўриб чиқишда қўлланиладиган жазони индивидуаллаштиришни босқичма-босқичи ва тизимли амалга ошириш имкониятини келтириб чиқаради.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ЖК 56-моддаси 1-қисмида назарда тутиб ўтилган. Қуйида уларни кетма-кет ёритиб ўтишга ҳаракат қиламиз:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- д) ўта шафқатсизлик билан;
- е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ё) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- ж) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- з) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулотда ҳолат вақтида ёки оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқа паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастлик ҳолатида ёхуд гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, жазони тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни қўллашда кузатилаётган муаммоларнинг бир қисми қонунчиликдаги ноаниқликлар, суд амалиётининг бир-биридан фарқ қилиши ва



судларнинг шахсий ҳолатларга ёндашувида субъективизмнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш мумкин:

- қонунчиликни аниқлаштириш яъни жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқ белгиловчи қоидаларни қабул қилиш;
- судларнинг жазони тайинлаш амалиётини унификация қилиш учун кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- судьялар ва адвокатлар учун мунтазам семинар ва тренинглар ташкил этиш, уларда жазони тайинлашнинг адолатли ва инсонпарвар усуллари муҳокама қилиш;
- халқаро амалиёт ва стандартлардан фойдаланиш орқали жазони тайинлаш тизимини такомиллаштириш;
- аҳоли орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, жиноят ва жазо масалаларида жамоатчиликнинг тушунчасини кенгайтириш.

Жазони тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни адолатли ва самарали қўллаш, жамиятда адолат ва қонунийлик тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратиш, тегишли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш учун комплекс чора-тадбирларни кўриш зарур.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва суд амалиётини янада унификация қилиш, шунингдек, жазо тайинлаш жараёнида шаффофлик ва адолатни таъминлаш заруратини кўрсатади. Бу борада халқаро тажриба ва илғор ғоялардан фойдаланиш, шунингдек, жиноят ҳуқуқи соҳасида тадқиқотларни чуқурлаштириш муҳимдир.

References:

1. Норбутаеви Э.Х Уголовный закон и его эффективность- "Мехнат". 1991 с 45-50
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. — URL: <https://www.lex.uz>